



Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек Миллий академик драма театрининг нафақат мамлакатимиз, балки Ўрта Осиё минтақасида профессионал театр санъатига асос солиш ва уни ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодимизни миллий ва умумба-шарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтириш, ёш истеъ-додларни тарбиялаш борасидаги улкан хиз-магларини инobatга олиб ҳамда ташкил этилганининг 100 йиллигини муносиб ни-шонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика Маънавият тар-тибот маркази ва кенг жа-моатчилигининг Ўзбек Мил-лий академик драма теат-рининг 100 йиллигини ни-шонлаш тўғрисидаги так-лифи маъқуллансин.
2. Ўзбек Миллий акаде-мик драма театрининг 100 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказиш бўй-ича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ташкилий қўмита бир ой муддатда мазкур санага муносиб тайёрларлик кў-риш ҳамда уни юксак да-ражада ўтказиш бўйича тадбирлар режасини иш-лаб чиқсин.
- Ушбу режада:
 - Ўзбек Миллий акаде-мик драма театри биноси-ни капитал таъмирлаш, за-монавий техника воситалар билан жиҳозлаш ҳамда худудини ободонлашти-риш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оши-риш;
 - «Ўзбек Миллий акаде-мик драма театри» китоб-альбомини нашрга тайёр-лаш ва chop этиш;
 - Ўзбек Миллий акаде-мик драма театри ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;
4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбе-кистон Миллий телера-диокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот восита-ларига Ўзбек Миллий ака-демик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирлар-ни кенг ёритиш тавсия этилсин.
5. Мазкур қарорнинг иж-росини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

— «Ўзбекистон театр санъати: тарих, тараққиёт ва истиқбол» мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш;

— Қорақалпоғистон Рес-публикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари, меҳ-нат жамоалари ва маҳал-лаларда театр фаолиятига бағишланган учрашувлар ташкил этиш;

— 2014 йилнинг сен-тябрь ойида Ўзбек Мил-лий академик драма теат-ри биносида мамлакатим-из театрлари вакиллари ва фахрийлари, маданият ва санъат намояндalari, кенг жамоатчилик ишти-рокида ушбу санага бағиш-ланган бадиий кеча ўткази-ш тадбирлари белгилян-син.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 22 январь



ЎзХДП маҳаллий кенгашларида 232 та масала депутатлик гуруҳларида, 136 та масала доимий комиссияларда, 118 та масала сессияларда муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

Кучли депутатлик гуруҳи

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Жиззах вилоят кенгашида электротар манфаатларини самарали ҳимоя қилишда партия депутатлик гуруҳлари ва минтақавий ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтиришга бағишланган минтақавий семинарда шу фикр илгари сурилди. Унда Жиззах ва Сирдарё вилоят партия кенгашлари ходимлари, халқ депутат-лари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.



Муносабат

Янги иш ўринлари яратиш — долзарб масала

ЎзХДПдан сайланган депутатлар бандлиқни таъминлашда фаол иштирок этишни ўзларининг асосий вазифалари деб ҳисоблашмоқда

2013 йил якунлари, жорий йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида Президентимиз келтирган маълумотлар ижтимоий йўналтирилган сиёсатга асос-ланган ислохотлар юртимизнинг иқтисодий қудратини ошириб, халқимиз турмуш даражасини юксалтираётганини яна бир бор тасдиқлади.

Дунёдаги молиявий-иқтисодий инқи-рознинг давлатлар тараққиётига сал-бий таъсири давом этаётган бир пайт-да юртимизда иқтисодиёт барқарор ривожланиб, халқимиз турмуш фаро-вонлиги янада ошиб, янги иш ўринла-ри яратилаётгани ҳар биримизни қу-вонтиради, гурурлантиради. Утган йили эришилган ютуқ ва нати-жаларга ниманинг ҳисобидан эришил-

гани ва уларнинг аҳамиятини електро-тар вакилларига тушунтириш депутат-ларнинг муҳим вазифаларидан ҳисоб-ланади. Жорий йил учун белгиланган устувор вазифалар эса Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳу-сусан, ЎзХДП фракцияси аъзолари зиммасига катта масъулият юклайди.

Давлати 2-бетда.

ЎзХДП бош мақсади: ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Қишлоқ аҳолисига қулайлик яратилди

Қишлоқ аҳолисининг тур-муш фаровонлигини яхши-лаш, уларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида

Шўрчи туманида «Омад-Бахт-Шўрчи» корхонаси иш бошлади. Корхона томонидан Шўрчи, Қум-қўрғон, Олтинсой ва Денов туман-лари аҳолисига суьултирилган газ баллонлари етказиб берилмоқда. Ун беш нафар қишлоқ ёшларининг бандлиги таъминланди.

— Илгари суьултирилган газ Тер-миз ва Бойсун туманларидаги мах-сус шохобчадан келтирилди, — дейди **корхона раҳбари, ЎзХДП аъзоси Элмурод Алиқулов**. — Бу эса талай қийинчиликлар туғдирар-ди. Янги мажмуа иш бошлаши би-лан муаммо ечим топди. Яқин кун-ларда таъмирлаш, махсус текши-рувдан ўтказиш каби бошқа мах-сус шохобчалар бунёд этилиб, 10 га яқин киши янги иш ўрнига эга бўлади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

Етакчи қанча ташаббускор бўлса

бошланғич партия ташкилоти шунча фаол бўлади. Шу боис партияимиз тизими-да етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими ва малака-сини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Амударё туман партия кенгашида ташкил этилган семинарда бу алоҳида таъкидланди. Унда бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг сиёсий фаоллиги ва билимини ошириш, етакчи-лик қобилиятини шакллантириш ҳамда шу орқали қўйи бугун фаолиятини кучайтириш масалаларида фикр алмашил-ди, таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Туман партия кенгаши фаоллари, бош-ланғич ташкилотлар етакчилари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депу-татлик гуруҳи аъзолари иштирок эт-ган семинарда бошланғич ташкилотлар-нинг электротар манфаатларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги ўрни муҳокама этилди.

— Етакчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда семинар-тре-нингларнинг аҳамияти катта бўляпти, — дейди **Амударё туманидаги ҳудудий бошланғич партия ташкилоти етак-чиси Бахтиёр Холбаев**. — Биз нафақат тажриба урганаймиз, балки партия фаолиятини кучайтириш бўйича ўз так-лифларимиз билан ҳам иштирок эта-ймиз. Ҳусусан, бошланғич партия таш-килотларини зарур қўлланмалар бил-лан таъминлаш, тарғибот-таъвиқот ишларини кучайтириш, шунингдек, ту-манимизнинг ижтимоий ҳаётига дахал-дор масалалар бўйича мулоҳазалар бил-дирилмоқда.

Семинарда бошланғич ташкилотлар-нинг депутатлар ҳамда ижтимоий шер-ик ташкилотлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди ва бу борада зарур чора-тадбирлар белги-лаб олинди.

Гулнора КАЛИМБЕТОВА, ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши сектор мудири.

Соғлом болага мактуб

Соғлом бола йилида сенинг олдинда улкан вазифалар турибди. Аввало танинг ва руҳингни асра. Ота-онага, юрт-га меҳр қўйишни ўрган. Чунки шарқда оила муқаддас санала-ди. Кун келиб ҳали ўзинг бу дунё фаройиботлари-дан хабардор бўласан.



«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Ижтимоий ҳамкорлик

аҳоли бандлиги самарадорлигига хизмат қилмоқда

www.uzbekistonovozi.uz

Нуқтаи назар

Аброр ҚУРБОНОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири:

— Сиёсий партия гояларини қўллаб-қувватловчи кишилар сафи кенгайишида партия ташкилотлари етакчилари муҳим роль ўйнайди. Сиёсий партиялар ҳақидаги дастлабки тушунча айнан етакчилар тимсолида намоён бўлади. Етакчиларнинг сиёсий билими, маданияти қанча юқори бўлса, унинг гаплари одамларга шунча кўпроқ таъсир қилади, партия гояларига ишонч ортади. Айниқса, бошланғич ташки-лотлар етакчиларининг шахси, салоҳияти ва одамлар орасидаги обрўси муҳим аҳамиятга эга.

Чунки бошланғич ташкилот етакчиси бевосита электротар орасида, одамлар билан юзма-юз фаолият юритади. Унинг зиммасида шунга яраша масъулият ҳам бор. Партияимиз гояларини аҳоли орасида тарғиб қиладиган, бошқа сиёсий партиялар дастурий мақсадларидан устун жиҳатларини асослаб берадиган етакчиларнинг ўзи етарли билим ва тажрибага эга бўлиши, фикрини аниқ, ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб бера олиши керак.

Бизнинг партия етакчилари дастурий мақсадларимиздан келиб чиқиб, ҳозирги шароитда мамлакатимиз, шу жумладан, ҳудудларнинг ривожланиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини янада яхшилаш, даромадларини ошириш бўйича ўз таклифларини шакллантириб бориши керак.

Шунингдек, улар партия маҳаллий кенгашлари, депутатлик гуруҳларининг электротар манфаати йўлида амалга ошира-ётган ишларидан яхши хабардор бўлиши зарур. Шунда ҳудудни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга ҳам асосли жавоб бера олади. Демак, бу вазифаларни ҳал қилиш учун туман ва шаҳар партия кенгашлари томонидан етакчилар ўртасида семинар-тренинглар изчил йўлга қўйилиши, энг яхши етакчилар тажрибасини оммалаштириш ишларини янада кучайтириш талаб этилади.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, бу борада таъсирчан назорат олиб боришда ЎзХДП ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳал-лий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг фаол иштироки муҳим аҳамият касб этмоқда. Газетамиз муҳбири Анджион вилояти Бўз тумани партия кен-гаши раиси Матлуба Тўйчиева билан бу борада қилинаётган ишлар, навбатдаги вазифалар хусусида сўхбатлашди.

Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларидан бирида ўқийсиз.

Муносабат Бу йил юртимиздаги коллежларни 500 минг нафардан ортиқ ёшлар битириб, меҳнат бозорига кириб келади.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Янги иш ўринлари яратиш — долзарб масала

ЎзХДПдан сайланган депутатлар бандликни таъминлашда фаол иштирок этишни ўзларининг асосий вазифалари деб ҳисоблашмоқда



Абдуманноб РАҲИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

ва бюджет сиёсатида жуда эҳтиёткорона ёндашув шаклланган шундай вазиятда собиқ тузум асоратларидан бутунлай қутулиб, ривожланиб бораётган давлатимизда аҳолига қулайлик яратишга, фуқароларнинг даромадларини кўпайтиришга қаратилган сиёсат олиб борилаётгани юксак эътирофга лойиқ, албатта.

Бу масалалар ўз Дастурида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида ижтимоий ҳимоя тамойилини мустаҳкамлаш бўйича муҳим вазифалар белгилаб олган партияимиз учун принципиал аҳамиятга эга.

Фақат ўтган йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш соҳасига инвестициялар ҳажми 2010 йилдагига нисбатан 3,8 баробар ўсди. Чет эл инвесторларнинг мамлакатимиз иқтисодиёти, шу жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасига инвестиция киритишга қизиқиши йилдан-йилга ортиб бораёпти.

Мана, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида яқинда имзоланган 103 миллион долларлик кредит шартномасини олайлик. Унинг асосида пойтахтимизда жаҳон стандартларига жавоб берадиган кўп тармоқли махсус болалар шифонаси барпо этилади. Бевоқифота Соғлом бола йили мақсад-вазифаларига боғлиқ бундай мисолларни бошқа соҳалар бўйича ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Бирон соҳага ажратилган маблағ натижа кўрсатгандагина ўзини оқлайди, албатта. Шу маънода соғлиқни сақлаш соҳасига қаратилган эътибор, ажратилаётган маблағлар ўзининг ҳаётий самараларини бераёпти. Бундан ташқари энг ривожланган мамлакатлари ҳам тан олаёпти.

Президентимиз Вазирилар Маҳкамаси йўналишида бунёдкорлик ишларида ўз ҳиссаси борлигини ҳис қилиш, инсонга куч-қувват бағишларини таъкидлади. Дарҳақиқат, ҳар биримиз шунга интилишимиз, мен ҳам эзгу ишларга ҳисса қўшман, деган мақсад билан яшашимиз керак, деб ўйлайман.



Фахриддин РАҲАБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз одамлар эрталаб туриб иш қидирмасин, балки ишига борсин, деган даъватни илгари сурдилар. Бу даъват, аввало, бизнинг партияимиз электроти манфаатига кўпроқ хизмат қилади. Шу боис бу сўзлар бизнинг ишларимизга айланмоғи керак. Қолаверса, йилгилишда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш 2014 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишни энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолиши таъкидланди.

Айтиши керакки, мамлакатимизда бу йўналишдаги ислохотлар тизимли амалга ошириб келинмоқда. Меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг замонавий касб-хунарларни эгаллашга, таълим йўналишларини иқтисодиёт ривожига қараб мослаштириб боришга эътибор қаратилаёпти. Хусусан, 2013-2014 ўқув йили бошланғичдан олдин турли ҳудудлардаги 26 та касб-хунар коллежларининг йўналишлари ўзгартирилди. Иқтисодиётнинг хилма-хил соҳаларида замонавий ва барқарор иш ўринлари яратилаёпти, уларга биринчи навбатда ёш мутахассислар жойлаштирилмоқда.

Меҳнат бозорига кириб келган ёшлар етарли малака, касбий кўникмага эга бўлмагани учун меҳнат жамоаси қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлиши, уларга гамхўрлик кўрсатиш давлат ва жамиятимиз олдидagi вазифа экани ҳисобга олиниб, меҳнат қонунчилигига тегишли ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилди. Битирувчиларнинг таълимга мос равишда амалиёт ўташи ва ишга жойлаштириш ташкил этиш мақсадида «колледж — корхонага» тизими доимий такомиллаштириб борилаёпти. Ёшлар бандлигини таъминлаш, бу борадаги ташаббуслар амалга оширишга йўл очиб бериш бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг масъулияти ва жавобгарлиги изчил кучайтириляпти. Булар иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъ-

минлаш жараёнлари яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатаёпти. Парламент томонидан қабул қилинган 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига кўра, бу йил мамлакатимизда қарийб бир миллионга яқин одам ишли бўлиши керак. Бу шунчаки рақам эмас, албатта. Ҳар битта иш ўрни бир одам тақдирини, унинг ҳуқуқи таъминлигини, ҳаёти яхшиланиши, оила-сининг фаровонлиги ошиши билан узвий боғлиқ эканини ҳисобга олсак, олдимизда турган вазифанинг қанчалик масъулиятли экани аён бўлади.

Айниқса, аҳолининг бандлик даражасини ошириш, даромад манбаларини кенгайтириш тарафдори бўлган партияимиз учун бу энг долзарб масала ҳисобланади. Шундай экан, бандлик дастури ўз вақтида, тўлиқ бажарилаётгани, деган савол ҳақида ҳамма-миз бирдек ўйлашимиз, иш ўрни яратиш, одамлар турмушини фаровонлаштиришдек эзгу ишларга муносиб ҳисса қўлишига ҳаракат қилишимиз лозим.

Бунинг учун ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари билан биргаликда бандлик дастурининг ҳар бир ҳудудда бажарилишига эришиш зарур. Фақат бунда мақсад масалани ўрганиш ва сессияга олиб чиқиш, муҳокама қилишдан иборат бўлмаслиги керак. Ҳаракат аниқ мақсадга қаратилиши, дастурда белгиланган кўрсаткичлар амалда бажарилишига эришиш шарт. Шу ўринда бир рақамга эътибор қаратайлик. Бу йил юртимиздаги коллежларни 500 минг нафардан ортиқ ёшлар битириб, меҳнат бозорига кириб келади. Энди ўйлашқини, битта битирувчининг ўзига маъқул иш топиши, орзу-ният қилиб, ютуқларга интилиши унинг ўзи ва оиласи учун қанчалик аҳамиятли? Бу қанча ёш ишли бўлса, шунча оиланинг фаровонлиги даражаси ортади, деганидир.

Бу йил Дастур ижроси устидан парламент ва депутатлик назоратини кучайтиришда нафақат ҳудудлар ва тармоқларда иш ўринлари яратиш ҳолатини ҳолис таҳлил қилиб, камчиликлар юзасидан тақлифлар беришимиз, энг муҳими, уларни амалга ошириш бўйича позицияимизни ҳаттоқий ҳимоя қила олишимиз керак.

Айниқса, қишлоқ жойларида таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт қандай йўлга қўйилганлигини ўрганиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалалари партия ташкилотларимиз ҳамда депутатлик гуруҳларимизнинг доимий эътиборида туриши, шу билан боғлиқ долзарб масалаларни ўрганиб, маҳаллий ва-киллик ҳокимияти муҳокамасига киритиб бориши талаб этилади.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш соғлом болани воёга етказишнинг муҳим шартидир

Фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб воёга етказиш, камол топтириш учун, аввало, биз ота-оналар юксак маънавият ва тиббий маданиятга эга бўлишимиз керак. Чунки оилада қандай муҳит бўлиши ота-онага боғлиқ. Оиладаги соғлом турмуш тарзи эса тарбиянинг асосидир.



Саттор РАҲМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Соғлом болани воёга етказишнинг муҳим омилларидан яна бири бу — она ва бола муҳофазаси қай даражада таъминланиши билан боғлиқ. Мамлакатимизда бу масалага жиддий эътибор қаратиб келинаёпти. Ўтган йили туғуқдан 7 миллион аёл ҳамда 7 миллион 300 минг нафар бола тиббий кўридан ўтказилди. 195 минг нафар ёлғиз қариялар, ногирон ва пенсиянерларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди. Йил мобайнида мамлакатимиз бўйича 311 миллиард сўмлик бюджет маблағи ҳисобидан 146 та замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида келтирилган бу маълумотлар мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимига юксак эътибор берилганлигини кўрсатади. 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб номлангани бу борада амалга ошираётган ишларимизнинг нафақат узвий давоми бўлади, балки, уни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида ҳам оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Демак, бугун партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари бу масалага ҳар қачон-қачон ҳам масъулият билан ёндашмоғи лозим. Айниқса, қишлоқ жойларида таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт қандай йўлга қўйилганлигини ўрганиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалалари партия ташкилотларимиз ҳамда депутатлик гуруҳларимизнинг доимий эътиборида туриши, шу билан боғлиқ долзарб масалаларни ўрганиб, маҳаллий вакиллик ҳокимияти муҳокамасига киритиб бориши талаб этилади.

Маълумки, оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофазат қилиниши Конституцияимизнинг 65-моддасида қайд этилган. Оила Кодексининг 4-моддасида

она ва бола манфаатларини муҳофазат қилиш, аёлларнинг меҳнати ва соғлиқини сақлашга доир махсус чоралар кўриш, аёлларга қулай меҳнат шaroити яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоялаш белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида оналар ва болалар манфаатини ҳимоялаш, фарзанд тарбияси учун оналарга имкон қадар кенг шaroит яратиш билан боғлиқ меъёрлар мустаҳкамланган.

Биз, авваломбор, мана шу қонунларда белгиланган меъёрлар ҳаётда қай даражада ўз ифодасини топаётганини назорат таҳлил тартибда чуқур ўрганиб боришимиз талаб этилади. Бундан ташқари, бу борадаги қонунчилик базасини янада такомиллаштириш бўйича тақлифларимизни шакллантириб боришимиз зарур. Бунинг учун фракцияимиз аъзолари маҳаллий депутатларимиз билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, электротикизмиз муаммоларини жойларнинг ўзида ўрганиши муҳим аҳамиятга эга.

Чунки, шунда биз нафақат муаммонинг ичига кириб бораемиз, балки уларни ҳал қилиш, бартараф этиш юзасидан одамларнинг тақлифларини, муносабатини, жамоатчилик фикрини ўрганиш, Тегишли масалаларни ечишга қаратилган партияимизнинг нуқтани назарини электротикизмиз муҳокамасидан ўтказиб олиш имкониятига эга бўламиз. Энг муҳими, шу йўл орқали партия ташкилотларимиз ҳам, депутатларимиз ҳам одамларга янада яқин бўлади. Парламент даражасида ҳал қилиниши зарур бўлган ижтимоий аҳамияти юқори масалалар юзасидан аниқ тақлифлар шаклланади. Фракцияимиз эса шуларга асосланиб, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида қонунлар қабул қилинаётганда электротикизмиз муносабати, жамоатчилик фикрига суяниб ўз позициясини илгарди суради ҳамда ҳимоя қилиши талаб этилади.

Маълумки, оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофазат қилиниши Конституцияимизнинг 65-моддасида қайд этилган. Оила Кодексининг 4-моддасида

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида 232 та масала депутатлик гуруҳларида, 136 та масала доимий комиссияларда, 118 та масала сессияларда муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

Кучли депутатлик гуруҳи

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади



Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сиёсий партиялар фаолияти юзасидан билдирилган фикрлар ҳудудий партия кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, электротат манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида ташаббускорликни оширишни талаб этмоқда. Семинар иштирокчилари шундан келиб чиқиб, ЎзХДП депутатлик гуруҳлари олдида турган устувор вазифалар ҳусусида сўз юритди.

сала депутатлик гуруҳларида, 136 та масала доимий комиссияларда, 118 та масала сессияларда муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

Бундан ташқари, партиянинг маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари томонидан 2800 дан ортиқ депутатлик сўрови давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари юборилган. Шунингдек, доимий комиссия ва сессияларда 17 марта мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилган.

Албатта, бундан кўриниб турибдики, кейинги йилларда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазатга муҳтож вакилларини қўллаб-қувватлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, жойларда электротатни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишда партиянинг маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари иштироки фаоллашиб бораёпти.

Улуғбек ТОШПҮЛАТОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудир:

— 2013 йилда Ҳаракат дастурига мувофиқ Сирдарё вилояти-

да 13 та масала депутатлик гуруҳларида, 7 масала доимий комиссияларда ҳамда яна 7 масала сессия кун тартибига киритилиб, уларнинг ижроси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинган. Аммо партиянинг Мирзаобод, Сардоба туманларида айрим масалалар фақат депутатлик гуруҳларида кўрилиб, доимий комиссияларда муҳокама этилмасдан қолган.

Ўтган йили Жиззах вилоятидаги депутатлик гуруҳларимиз ташаббуси билан 14 та масала депутатлик гуруҳларида, 4 та масала доимий комиссияда, 6 та масала эса сессиялар кун тартибига киритилди. Халқ депутатлари Мирзақўл, Баҳмал, Зомин, Зарбод, Фориш, Жиззах, Дўстлик, Зафаробод туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз эса Ҳаракат дастурида белгиланган масалани фақатгина депутатлик гуруҳларининг ўзида кўриб чиқиш билан чекланиб, уларни доимий комиссиялар, сессиялар муҳокамага олиб чиқмаган. Ваҳоланки, Сирдарё вилоятида ҳам, Жиззах вилоятида ҳам маҳаллий вакиллик ҳокимияти ваколатлари даражасида ҳал этилиши зарур бўлган, партияимиз электротати манфаатлари билан бевоқифота боғлиқ ижтимоий масалалар оз эмас.

Ўтган йил давомида халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари 587 марта депутатлик сўрови юборган бўлса, халқ депутатлари Жиззах вилоят ва туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатларимиз бор-йўғи 50 та депутатлик сўрови юборган. Таҳлиллар айрим туманлардаги депутатларимиз бу масалага жиддий ёндашмаганини кўрсатмоқда.

Шунингдек, партиянинг депутатлик гуруҳлари ташаббуси би-

лан Сирдарё вилоятида йил давомида бир марта мансабдор шахсларнинг ҳисоботи эшитилган. Жиззах вилоятида эса бундай ташаббус умуман амалга оширилмаган.

Айтиш лозимки, сиёсий партиянинг асосий кучи маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларидир. Улар фаолиятини кучайтириш ҳудудлардаги ижтимоий масалаларни комплекс ўрганиш ва ҳал этиш, мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, ҳудудий дастурларнинг бажарилиши ҳамда бюджетдан ижтимоий соҳага ажратилмаган маблағлардан фойдаланиш самардорлигини оширишга хизмат қилади. Бу эса аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаати билан бевоқифота боғлиқ, Шундай экан, барча даражадаги депутатлик гуруҳларимиз ташаббускорлигини ошириш масаласи доимий диққат-эътиборимизда туриши керак.

Мўтабар КАРИМОВА,
ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси:

— Зиммаимизда турган вазифалар кўлами ва масъулиятини тўлиқ ҳис этиб туришимиз. Ҳозирги шaroитда партияимизнинг барча бўғинлари бирдек ишлашини йўлга қўйишимиз керак. Энг муҳими, ҳаётни чуқур ўрганиб, аниқ мақсадга йўналтирилган ташаббусларни кўпайтиришимиз зарур.

Тўғри, Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда ташаббус ва қатъият кўрсатаётган, Жамоатчилик қабулхоналари ишида фаол иштирок этаётган, доимий комиссиялар, маҳаллий Кенгаш сессияларига масалалар тайёрлашда фаоллик кўрсатаётган депутатларимиз сафи кенгайиб бормоқда.

Афсуски, суст фаолият юритаётган маҳаллий партия ташкилотлари, депутатларимиз борлиги-

Ўтган йил давомида халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик сўрови юборган бўлса, халқ депутатлари Жиззах вилоят ва туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатларимиз бор-йўғи 50 та депутатлик сўрови юборган. Таҳлиллар айрим туманлардаги депутатларимиз бу масалага жиддий ёндашмаганини кўрсатмоқда.

дан ҳам кўз юмолмаймиз. Улар одамларни безовта қилаётган ижтимоий масалаларни ўрганиб, таҳлил этиб, амалий тақлифлар беришга етарли аҳамият қаратмапти. Биз ижтимоий ислохотларни янада чуқурлаштириш, унинг самардорлигини ошириш юзасидан маҳаллий Кенгашлар даражасида нафақат қарорлар қабул қилишга, балки унинг ижроси таъминланишига эришишимиз зарур.

Семинарда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Аҳад Аҳмедов, ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Алишер Тошматов, ЎзХДП Галларол туман кенгаши раиси Меҳри Бобоева ва бошқалар сўзга чиқиб, мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир якунида партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган зарур тавсиялар иш-лаб чиқилди.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Маънавий тарбия

Ота-она мансабдорми ёки оддий фуқароми, барибир, у бола тарбияси борасида жавобгар.

Соғлом болага мактуб

●●● Азиз болажон! Янги 2014 йил Президентимиз томонидан «Соғлом бола йили» деб эълон қилинди. Ҳайлайманки, бундан бағоятда мамнунсан. Шуни унутмаки, нафақат бу йил, балки Истиклолнинг ҳар бир куни сенинг кунинг, ҳар бир йили сенинг йилингдир. Мустақилликнинг ҳар лаҳзаси келажак эгалари бўлган болалар учун янги бир саҳифа. Кел, шу ўринда маънавий меросимизга мурожаат қилиб кўрайлик.

Болажон сен аввало, боболаринг ёзган битикларни ўқи! Уларнинг кўп ёзуқларида сен борсан. Ҳали кучга ва ақлга тўлсанг, буларнинг барчасига ўзинг ишонч ҳосил қилсан.

Биринчи сабоқ — Ибн Сино асарлари. У оиладаги бола тарбиясини ота-онанинг жамиятда тугган мавқеидан қатъи назар, уларнинг бирламчи вазифаси, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, ота-она мансабдорми ёки оддий фуқароми, барибир, бола тарбияси борасида жавобгар. Шунингдек, ота-оналар бола қаттиқ тан жазосидан кўра, шахсий ибрат орқали тарбиялаши, яъни нафақат сўз билан, балки амалда ҳам бола руҳига таъсир кўрсатиши лозим.

Иккинчи сабоқ — Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадгу билиг» асаридир. Унда ёзилишича, фарзанд қуриш ва унга тарбия бериш ҳар бир инсон учун буюк бахтдир, уларнинг ҳаётинг маъносига йўқ. Лекин бу ота-она зиммасига жуда катта масъулият юклайди, унинг уйда-сидан чиқмоқ, ҳар бир ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Шунинг учун ҳам Юсуф Хос Ҳожиб оилавий тарбияни бола ахлоқий тараққиётининг асоси, деб ҳисоблаган: «Агар боланинг ҳули ёмон бўлса, бунда боланинг айби йўқдир». Бунга ота-она, айниқса, ота катта эътибор бермоғи лозим. Яна унинг одам ким бўли-

шидан қатъи назар, шохми, гадоми, аввало, инсон бўлиши керак, чунки «дунёда ўлмас бўлиб, фақат инсонийлик қолади», деган сўзларининг маъносига ет. Зеро, «Яхши ахлоқий фазилатларга эга киши — ҳар қандай қимматбаҳо дурлардан ҳам қимматлидир».

Учинчи сабоқ — донишманд Кайковус 63 ёшида ўғлига атаб ёзган «Қобуснома» асаридир. Унда бола тарбияси, оилавий ҳаёт, шахс камолоти масалалари баён этилган. Унинг ёзишича, «Ҳар бир фарзандки, оқил ва доно бўлса, ота-она меҳр-муҳаббатини адо этмақдирини бош тортмағай». У бу борада «Нима эксанг, шуни ўрасан» деган мақолини ишлатиб, оилада бола тарбияси ана шу гоё асосида олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаган.

Тўртинчи сабоқ — маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёзган «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китобидир. Унда оилада бола тарбияси ҳақида гап боради. Аллома тарбия жараёнида оила ва жамоатчиликнинг ўрнини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар гоё катта аҳамиятга эга. Кейин боланинг шахс сифатларига тўхталиб, унда оиланинг ролини кўрсатар экан, «Кўш уясида кўрганини қила-

! «Болаларни асранг» («Save the children») халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда 161 давлат орасида Ўзбекистон болалар саломатлигини мустақамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатаётган энг илғор ўн мамлакат қаторига киритилган.

дур», — дейди. «Инсон жавҳари қобилдир, агар яхши тарбия топиб, бузуқ хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатланиб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлиб чиқар», деб ёзади. Демак, мутафаккир бобокалонимиз, сенинг тарбиянгда оиланинг ролини бирламчи қилиб қўяди: «... тарбияни туғилган кундан бошламоқ лозим экан. Тарбияни ким қилур? Қайда қилинур? деган савол келадур. Бу саволга биринчи уй тарбияси — бу она вазифасидир. Иккинчи мактаб ва мадраса тарбияси — бу ота, муаллим, мудarris ва ҳукумат вазифасидир, — деган жавоб берсак» деб ёзади ўз асарига.

Агар шулардан бохабар бўлсанг, сенга эътиборинг қанчондан бошланганини тушуни етасан. Кейин дунё ёзувчиларининг асарларини ўқишни ҳам унутма. Чунки олам кенг ва унинг ҳар бурчагида



(УЗА) олган сурат.

фарзандларини кадрловчи кишилар истикомат қилишади. Лекин бизнинг юртдек болажон ва болақалб халқ бошқа ерда йўқ.

Шубҳасиз, Соғлом бола йилида сенинг олдигда улкан вазифалар турибди. Аввало, танинг ва руҳингнинг асра. Ота-онага, юртга меҳр қўйишни ўрган. Чунки шарқда оила муқаддас саналади. Кун келиб ҳали ўзинг бу дунё гаройиботларидан хабардор бўласан. Дунё сенга, ота-онанга қай кўз билан қараётганини англайсан.

Сабоқларимиз сўнггида қуйидаги маълумотни келтирмоқчимиз. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг ҳисоботига кўра, «Болаларни асранг» («Save the

children») халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда 161 давлат орасида Ўзбекистон болалар саломатлигини мустақамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатаётган энг илғор ўн мамлакат қаторига киритилган. Бу ўз навбатида Юртбошимизнинг сенга кўрсатаётган гамхўрлигининг бир қуринишидир.

Хулосани ўзингга қолдираман. Сен сен бу ҳаётда ота-онанг санъаткор, сен — санъат асари, тарбия жараёни эса санъатнинг ўзи эканлигини эсимдан унутмасанг, бас. Бу оламда борлигинг муборак бўлсин!

Бобур ЭЛМУРОВО,
ЎЗМУ журналистика факультети магистранти.

«Бу боғни яхши кўраман»

●●● Пойтахтимиздаги Фафур Фулом маданият ва истироҳат боғи қишин-ёзин болалар билан гавжум.

— Кузатиш ва тажрибалиримиз шуни кўрсатадики, болалар ўзлари истаман жойга бормайди. Уларнинг оёғи тортадиган жой эса чиройли, тоза ва ҳайратларга тўла бўлиши керак, — дейди **боғ раҳбари, ЎзХДП аъзоси Баҳодир Султонов**. — Бунинг учун биз доимий изланишда, интилишдамиз. 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши зиммамизга катта масъулият юклайди. Боғимиз йилнинг ҳар қандай фаслида ҳам болалар учун очик.



— Мен бу боғни жуда яхши кўраман, ҳар доим келаман. Бу ерда ҳар хил ўйинлар ўйнаймиш, аргимчоқларда ўчамиз. Хайвонот боғини томоша қиламиз, — дейди **12 ёшли Жасурбек Дарҳақиқат**, Вазирлар Маҳкамасининг «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан, маъмур боғ кенгайтирилиб, инфратузилмаси янада такомиллаштирилди. Йигирма икки гектар майдонни эгаллаган боғимизда иккита сув ҳавзаси бор. Шунингдек, бу ерда ҳайвонот бурчаги ҳам ташкил этилган бўлиб, ҳозирда 50 турга яқин жонзот

сақланмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли маъмур боғ шахримизнинг гўзал масканларидан бирига айланди. Замонавий аттракционлар, маданий-маърифий тадбирлар, байрам сайллари, кўрик-танловлар ва спорт мусобақалари шу ердаги амфитеатр ва майдонларда ўтказилади. Бундай ишлар ўз навбатида боғнинг иқтисодий кўрсаткичи яхшиланишига ва моддий-техник базаси мустақамланишига хизмат қилади.

— Ҳар гал Тошкентга келганда, невараларим билан бу боғни айланамиз, — дейди **фарғоналик Хамиджон Каримов**. — Бу ерда жуда кўп ўзгаришларни кўраман, фарзандларимиз учун яратилган шароитлардан қувонаман.

Альбина ЖУМАНОВА

●●● Навоий шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Энг намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг вилоят босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда бу борада профилактика инспекторларининг масъулиятини ошириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-

Танлов голиблари аниқланди

қувватлаш мақсадида ўтказилаётган кўрик-танловда барча туман ва шаҳарлардаги энг намунали милиция таянч пунктлари иштирок этди.

— Президентимиз тақлифи билан 2011 йилдан буён ўтказиб келинаётган маъмур танловнинг самараси катта бўлмоқда, — дейди Навоий вилояти ИИБ ҚООБ бошлиғи Отабек Шамсиев. — Вилоятимиз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган профилактика инспекторлари республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олиб келаяпти.

Навбатдаги танловнинг вилоят босқичида биринчи ўрин Кармана туманидаги 53-милиция таянч пунктига берилди. Иккинчи ўринга Навбахор туманидаги 68-милиция таянч пункти лойиқ деб топилди. Учинчи ўрин эса Зарафшон шаҳридаги 18-милиция таянч пунктига насиб этди.

Шунингдек, турли наминациялар бўйича голиблар аниқланди. Уларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Илҳом САТТОВОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидаги объектни қуриш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан

Қайта очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Лот 8-1. Сурхондарё вилояти, Ангор тумани, «Ангор» ҚФЙ «Наврўз» қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 221,319 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 184,432 млн. сўм, қурилиш муддати — 60 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (8-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7

февралдаги 1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан қурилиш қиймати 500 млн. сўмгача бўлган объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фойизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк қасбонлиги билан, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқу-

қий лаётқа ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бундан импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади. Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташки-

лотчиси — «Давархитектуристик» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (8-376) 221-44-73, 221-44-76.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

Болалар спорти

●●● Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги «Фарҳод» маҳалласида барча шароитларга эга замонавий спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Маҳаллада замонавий спорт иншооти

Мажмуада енгил атлетика, футбол, бокс, бадий гимнастика билан мунтазам шуғулланиш имконияти яратилган. Қарийб 300 миллион сўм маблаг эвазига бунёд этилган мажмуадаги машғулотлар зали, ювенил, кийиниш хоналари замонавий тарзда жиҳозланди.

— Президентимиз раҳнамолигида спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ўз самараларини бермоқда, — дейди хусусий тадбиркор Баҳодир Холматов. — Ана шу юксак гамхўрлик туфайли халқроқ майдонда ёшларимиз эришаётган улкан марралардан руҳланиб, биз ҳам бу хайрли ташаббусга ҳисса қўшишга қарор қилдик.

А.МУСТАФОҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири.

ОБ-ҲАВО	23-24 – 01. 2014
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
-10 / -15	0 / -5
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
-10 / -15	0 / -5
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
-3 / +2	+3 / +8
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
+1 / +6	+5 / +10
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
-3 / +2	+3 / +8
Тошкент шаҳри	
0 / -2	+6 / +8
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+2 / +7
Париж	+3 / +6
Москва	-20 / -22
Мадрид	+2 / +4
Пекин	-5 / -4
Канберра	+11 / +9
Токио	+5 / +5
Стокгольм	-6 / -6
Кейптаун	+17 / +17
Қоҳира	+13 / +12
Гавана	+14 / +15
Вашингтон	-11 / -7

MUASSIS:
XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslhididdin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochiilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-54-55; Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqliy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kотиbiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 160
21183
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 22.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV



1 2 3 4 5